O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

140800, Kattaqo`rg`on sh, Amir Temur ko`chasi, 4 uy
Tel.: (0366) 456-15-89.., Faks., (0366) 456-10-01

140800, г. Каттакурган, улица Амира Темура, дом 4
Тел., (0366) 456-15-89.., Факс., (0366) 456-10-01

2020 y.r. «27» апрел № 177-Қ Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган

2020 йилда Каттақўрғон шахар халқ хўжалиги ва иқтисод тармоқларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида чақирилувчилар, Сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари ва ҳарбий хизматга мажбурларни ҳисобга олиш ва бронлаштириш ишлари аҳволини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Шаҳар Мудофаа ишлари бўлими томонидан 2020 йил давомида шаҳардаги халқ хўжалик тармоқларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида барча ташкилот, корхона муассасаларида чақирилувчилар, Сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари ҳамда ҳарбий хизматга мажбурларни ҳисобга олиш ва бронлаштиришлари Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4-мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий ҳисобини юритиш ва ташкил қилиш ва олиб бориш тўғрисида"ги 119-сонли Низоми асосида шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхона, муассаса, ташкилот ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳарбий ҳисобга олинишини, ҳарбий сафарбарлик йиғинларини ташкил этишни, шунингдек сафарбарлик эълон қилинган даврда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини бронлаштиришини таъминлаш ва мансабдор шахсларни жавобгарлигини ошириш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар Мудофаа ишлари бўйича бўлимининг 2020 йил 07-апрелдаги 313-сонли хати инобатга олинсин.

2. Шахардаги корхона, ташкилот, муассасаларда ҳарбий ҳисоб ва бронлаштириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий хисобини ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби бўйича қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4-мартдаги 119-сонли қарори асосида юритилишини ташкил этиш корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларига топширилсин.

3. Шаҳар Мудофаа ишлари бўйича бўлими бошлиғи (Х.Сапаров)га:

- 2020 йилнинг сентябр ойига қадар маҳалла фуқаролар йиғинларини раислари, котиблари ва ҳарбий хисоб юритиш ходимлари, корхона, ташкилот, муассасаларининг харбий хисоб юритиш ва бронлаштириш билан шуғулланаётган ходимлар билан ҳарбий хисобини юритиш ишларини ташкиллаштириш бўйича кўргазмали ўкув машғулотини ўтказиш топширилсин.

- Корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳарбий хисобни юритиш ва бронлаштириш масалаларини текшириш ва Т-2 шакл билан солиштириш ишлари амалга оширилсин.

4. Шахар Молия бўлими (Ф.Садриддинов)га:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4-мартдаги 119-сонли қарорига асосан маҳалла фуқаролар йиғинларида, тиббиёт бирлашмасида, халқ таълими бўлимида ҳарбий хисоб ва бронлаштириш ишларини олиб борувчи ходимлари сонини юклама нормасига келтириш вазифаси топширилсин.

5. Шаҳардаги корхона, ташкилот, ўкув муассасаларида ва маҳалла фуқаролар йиғинларида Мудофаа ишлари бўйича бўлими томонидан берилган чақирув қоғозларини тарқатиш ва ўз вақтида Мудофаа ишлари бўлимига боришларини назорат қилиш тавсия этилсин.

6. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунинг 32-, 33-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4-мартдан "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий хисоби низомини тасдиклаш ҳақида"ги 119-сонли қарори билан тасдикланган йўрикномага асосан ҳарбий хисоб ва брон ишларини юритиш учун масъул ходимни тайинлаш ва уларга қўшимча хақ тўланиши қуйидаги тартибда амалга ошириш:

- заҳирадаги ҳарбий хизматга мажбур ва чақирилувчилар сони:

- 500 нафардан 1000 нафаргача, 1-та штат бирлиги;

- 1000 нафардан 2000 нафаргача, 2-та штат бирлиги ва бундан кейинги хар мингтага чақирилувчи ва ҳарбий хизматга мажбурлар учун 1-тадан штат бирлиги қўшиб берилиши маълумот ва ижро учун қабул килинсин.

7. Шахар ҳокимининг 2019 йил 23-февралдаги 360-Қ қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорни бажарилишини назорат килиш шаҳар ҳокими ўринбосари А.Ибрагимов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими в.б **Г.Алимова**